АҲОЛИНИНГ ТАКРОР БАРПО БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

М.Мамажонов.

В статье исследована демографическая ситуация Андижанского вилоята, рассмотрены особенности роста населения в срезе туманов, раскрыты причины различий в показателях роста.

In clause the demographic situation Andizhan vilayat is investigated, the features of growth of the population in over the tumans are considered, the reasons of distinctions in parameters of growth are opened.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, энг аввало, унинг демографик базасига, такрор барпо бўлиши ва миграцион ҳаракатига боғлиқ. Чунки ушбу масала нафақат аҳоли сони, балки унинг ёш ва жинсий таркиби билан ҳам алоқадордир. Масалан, туғилиш кўп бўлган ҳудудларда болалар сонининг улуши кўп бўлади. Бундай ҳолатларда ижтимоий муҳофаза биринчи навбатда болалар ва болали оналарга қаратилади. Агар туғилиш ва аҳолининг табиий кўпайиши юқори бўлмаса, “қариб бориш” жараёни юзага келади. Поляк демографи Э.Россет фикрича, мамлакат ёки минтақа ахолисининг “қарилик” даражаси ундаги нафақахўрлар ҳиссаси билан белгиланади (энг кам кўрсаткич 12%). Ўрганилаётган ҳудудларда қариялар ҳиссаси кўпроқ бўлса, табиийки, уларнинг ижтимоий муҳофаза қилиниши талаб этилади, ушбу муаммо давлатнинг ижтимоий сиёсати доирасида ҳал этиб борилади.

Бугунги кунда демографик жараёнларини тўла илмий асосда ўрганиш тақозо этилаётган худудлардан бири бу Андижон вилояти бўлиб, у, юқорида айтилганидек, республиканинг бошқа минтақаларидан қатор кўрсаткичлари бўйича кескин фарқ қилади.

Чунончи, 1979-2008 йилларда вилоят аҳолиси икки баробарга кўпайди. Бироқ кейинги йилларда вилоят аҳолисининг табиий ўсиш суръатлари пасайиб бораётгани сезилмоқда.

Андижон вилоятида аҳоли табиий кўпайишининг энг юқори кўрсаткичи 1991 йилда қайд этилган бўлиб, у 52400 кишини ташкил этган. Бу кўрсаткич 2008 йилга келиб 39944 кишига тушиб қолган, яъни ўтган йиллар давомида аҳолининг кўпайиши йилига 12456 кишига қисқарган.

Маълумки, аҳоли сонининг ўсиб боришига унинг табиий ҳаракати катта таъсир кўрсатади. Табиий ҳаракатнинг демографик кўрсаткичларидан бири туғилиш коэффициенти бўлиб, у Андижон вилоятида 2008 йилда ҳар 1000 кишига 23,0 кишини ташкил этди. Туғилиш қишлоққа нисбатан шаҳарда 2,5 промиллега кам ва у, асосан, маҳаллий туб миллат вакиллари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Аҳолининг табиий кўпайиш суръати қишлоқ ва шаҳар орасидагина эмас, вилоятнинг маъмурий туманларида ҳам бир-биридан фарқ қилади. Масалан, ҳар 1000 кишига нисбатан табиий кўпайиш Жалақудуқ туманида 16,7, Қўрғонтепада 18,3, Олтинкўлда 18,9, Улуғнорда 17,7, Бўзда 17,7 промиллени ташкил этади. Вилоят бўйича эса бу кўрсаткич 17,3 кишига тўғри келади (2008 й).

Туманларда аҳолининг табиий кўпайишидаги бундай фарқларнинг асосий сабабини, аввало, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан таъминланиш даражаси ҳудудлар миқёсида ҳар хиллигидан, сўнгра аҳолининг эътиқоди ҳамда никоҳ ёшидаги аҳоли қатламида жинсий фарқларнинг мавжудлигидан қидирмоқ керак. Вилоят аҳолисининг 51 фоизи аёллар, 49 фоизи эркаклардан иборат. 2008 йилда 51,4 минг бола туғилган бўлса унинг 27,1 мингтаси қиз бола эканлиги ҳам ушбу масалани ойдинлаштиради.

Туманлар орасидаги табиий кўпайиш кўрсаткичидаги мавжуд тафовутларнинг яна бир томони — улардаги аҳолининг миллий ва ёш таркиби, ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг туманлар миқёсидаги фарқларидир. Шунингдек, қишлоқ ҳудудларининг демографик ривожланишидаги хусусиятлар уларнинг тарихий шаклланиши, иқтисодиётининг тармоқлар таркиби ва ихтисослашувига ҳам боғлиқ.

Андижон вилояти аҳолисининг табиий кўпайиш суръатидаги ҳудудий фарқларни вилоят ўртача кўрсаткичига таққосласак, уни қуйидагича гуруҳларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

1. Табиий кўпайиш коэффициенти юқори бўлган туманлар: Избоскан, Пахтаобод, Булоқбоши, Марҳамат, Олтинкўл (18 % промилледан кўп);

2. Ўртача кўрсаткичга эга бўлган туманлар: Хўжаобод, Жалолқудуқ (15,0-18,0 промилле);

3. Ўртачадан пастроқ кўрсаткич кузатилаётган туманлар: Асака, Улуғнор (10,8-15,0 промилле);

4. Табиий кўпайиш суръатлари паст бўлган туманлар: Бўз, Андижон, Балиқчи, Шаҳрихон, Қўрғонтепа туманлари ҳамда Андижон ва Асака шаҳарлари (10,8 промилледан кам).

Вилоятнинг табиий ўсиш кўрсаткичи юқори бўлган туманларда туғилиш коэффициенти бошқалардан анча фарқ қилиб, улар иқтисодий ривожланиш даражаси, ихтисослашуви, саноатлашуви, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш даражасининг пастроқ эканлиги билан ажралиб туради.

Маълумки, аҳолининг табиий кўпайиши, иккита асосий омил билан белгиланади: туғилиш кўрсаткичининг юқорилиги ва ўлим кўрсаткичининг пастлиги аҳоли такрор барпо бўлишида катта аҳамятга эга. Аҳолининг табиий кўпайишида туғилишнинг юқори ва ўлимнинг паст бўлиши ҳудудда аҳолининг яшаши учун мавжуд бўлган табиий, иқтисодий ҳамда маданий-маиший шароитларнинг яхшилиги ва аҳолига хизмат кўрсатиш даражасига боғлиқ. Соддароқ қилиб айтсак, тиббиёт хизматининг ривож топганлиги ўлимнинг камайишига сабаб бўладиган омиллардан биридир.

Андижон вилоятидаги демографик жараёнларнинг ҳудудий номутаносибликларини тўлалигича очиб бериш учун аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиниш масалалари, табиий ҳаракати билан бир қаторда бир ёшгача бўлган болалар ўлими ҳамда унга таъсир этувчи омилларнинг ҳам туманлар бўйича алоҳида таҳлил қилинишини тақозо этади.

Таъкидлаш лозимки, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар аҳоли сонининг қайта тикланиш жараёнларига ва уларнинг миқдорига ўз таъсирини кўрсатади. Бу таъсир ижобий ёки салбий бўлиши мумкин ва у вақт ўтиши билан ўзгариб туради. Демографик вазиятнинг энг муҳим, етакчи омили бўлган туғилиш айнан шундай кўрсаткичлардан биридир.

Туғилиш кўплаб ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-психологик, сиёсий, диний, миллий ҳамда табиий омиллар асосида вужудга келувчи мураккаб жараёндир. Бу ўринда шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ўрганилаётган туманлардаги туғилиш миқдорининг юқори ёки камлиги, унга таъсир қилувчи омиллар кўпроқ аҳолининг моддий ва маънавий ривожланиш даражасига, турмуш шароити, аёлларнинг халқ хўжалигининг қайси соҳаларида бандлигига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Андижон вилоятида 2008 йилда туғилишнинг умумий коэффициенти 23,0 промиллени ташкил этиб, вилоят ушбу кўрсаткич бўйича республика вилоятлари орасида олдинги ўринда туради. Минтақа аҳолисининг туғилиш даражаси республика кўрсаткларидан доимо юқори бўлиб, бу тафовут йил сайин ўсиб боряпти. Масалан, 2002 йилда Ўзбекистон бўйича туғилишнинг умумий коэффициенти 26,6 промилле бўлган бўлса, Андижон вилоятида 24,5 промиллени ташкил этган, 2008 йилга келиб эса бу кўрсаткичлар мос ҳолда 19,8 ва 23,0 промилле бўлган (демак, бу борадаги фарқ 1,9

промилледан 3,2 промиллега кўратилган). Вилоятда туғилиш даражасининг бундай бўлишига олиб келган омиллар орасида аҳолининг турмуш шароити, уни ижтимоий муҳофаза қилишнинг яхшиланган катта роль ўйнамоқда.

Маълумки, хотин-қизларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги иштироки, уларнинг жамият ишлари, илм-фан билан шуғулланишлари бугунги кунда нафақат шаҳар ҳаётини, балки қишлоқ ҳаётини ҳам тўлалигича камраб олган. Бу эса туғилиш курсаткичининг пасайиб боришига ўзининг бевосита таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Сўнгги йилларда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг жадаллашуви туфайли аҳолининг кўпайишида сезиларли фарқлар кўзга ташланмоқда. Биз буни республика ҳамда Андижон вилояти аҳолиси сонининг ўсиши ўртасидаги фарқларда ҳам кўришимиз мумкин.

Ахолининг табиий кўпайишига таъсир этувчи яна бир муҳим омил урбанизациядир. Андижон вилоятида ҳам ҳозирги замон урбанизациясининг муҳим шакли — шаҳар агломерацияси вужудга келмоқда. Вилоят маркази атрофида аҳолининг мураккаб ҳудудий тизими — агломерация шакллаган. Бироқ бу ерда урбанизация даражаси республика кўрсаткичига нисбатан анча паст.

2008 йилда Андижон вилоятидаги шаҳар жойларида туғилишнинг умумий коэффициенти 24,7 промиллега тенг бўлган. Статистик маълумотлар шуни тасдиқлайдики, шаҳар аҳолиси 1989-2004 йиллар давомида доимо ўсиб борган ва бу жараён кейинги беш йил ичида ташқи миграциянинг фаоллашуви билан бироз сустлашган.

Ҳозирда вилоятдаги 11 та шаҳардан 9 тасининг ҳар бирида 20 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Буларга Андижон, Шаҳрихон, Асака, Хонобод, Пахтаобод, Пойтуғ, Қорасув, Қўрғонтепа ва Охунбобоев шаҳарлари киради. Аҳолисининг сони 349,0 минг кишидан иборат бўлган Андижон шаҳри аҳоли сонига кўра республикада Тошкент, Наманган, Самарқанд шаҳарларидан кейин 4-ўринда туради. Вилоятнинг яна иккита, яъни Шаҳрихон ва Асака шаҳарларининг ҳар бирида аҳоли сони 50 минг кишидан ортиб кетди.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар Андижон вилоятида ҳам рўй бермоқда. Бу ҳол шаҳар ва қишлоқ аҳолисида туғилиш, табиий кўпайиш даражасининг камайиб боришига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шунингдек, ўрганилаётган ҳудудда аҳоли манзилгоҳларининг катталашиб, шаҳар типига ўтиши, бозор муносабатларининг ривожланиши ҳамда шаҳар турмуш тарзининг кенгроқ тарқала бориши ҳам туғилиш кўрсаткичларининг пасайишига сабаб бўлмоқда.

2000-2008 йиллардаги вилоят аҳолисининг туғилиш даражасидаги ўзгаришларни таҳлил қилганимизда, шаҳар аҳолисининг туғилиш кўрсаткичлари камайганига гувоҳ бўламиз.

Туғилиш кўрсаткичларининг пасайиши, айниқса, Шаҳрихон, Асака, Қўрғонтепа туманларида кучлироқ сезилмоқда. Буни мазкур ҳудудларда яшовчи аҳоли ўртасига шаҳар турмуш тарзининг кириб бориши, уй-жой ва бошқа иқтисодий-ижтимоий муаммоларнинг вужудга келаётгани билан изоҳлаш мумкин.

Вилоятда 2003 йилда туғилиш миқдорига кўра Пахтаобод, Жалақудуқ, Марҳамат, Хўжаобод туманлари ажралиб туради: (уларда туғилиш коэффициенти 21,1, 20,0, 22,5, 19,9 промиллени ташкил этган). Табиий кўпайиш суръати каби туғилиш ҳам паст бўлган туманларда бошқа миллат вакиллари кўпчиликни ташкил этади, қолган туманларда эса туғилиш коэффициенти ўртача (ҳар 1000 кишига 20, 0-21,5 киши).

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, вилоят шаҳарларида қишлоқларига нисбатан туғилиш кам. «Ўзбекистонда шаҳарлар ва қишлоқлар аҳолиси туғилиш даражасидаги фарқи биринчи навбатда аҳолининг этник таркибига боғлиқдир»,- деб ёзади М, Бўриева [3;37]. Шу боис Андижон вилоятининг шаҳар ва қишлоқ аҳоли манзилгоҳларида туғилиш миқдоридаги фарқ аҳолининг этник таркибида, ёш гуруҳлари

бўйича кўрсаткичида ва аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги бандлигида ҳамда маълумотлилик даражасида яққол кўринади.

Бу ўринда вилоят аҳолисининг аксариятини ўзбеклар ҳамда кўп болаликка мойил бўлган бошқа маҳаллий миллатларнинг вакиллари — уйғур, қирғиз ва тожиклар ташкил этишини таъкидлаш жоиз. Масалан, туғилиш кўрсаткичи 2003 йил якунларига кўра энг қори бўлган Хўжаобод, Пахтаобод, Марҳамат, Олтинкўл туманларида ўзбеклар аҳолини 92-98 фоизини ташкил этади.

Маълумки, мамлакатимизда маҳаллий аҳоли орасида туғилиш, айниқса, европа миллатига мансуб аҳолига нисбатан анча юқори. Ўзбек, қирғиз, тожик миллатига мансуб оилаларда туғилиш миқдори русийзабон аҳолига қараганда анча юқори, буни тарихий кўп болалилик анъанаси, миллий урф-одатлар билан изоҳлаш мумкин.

Туғилиш даражаси нисбатан паст бўлган Улуғнор, Асака туманларидаги оилаларда болалар сони камроқ бўлишига сабаб шуки, уларда бошқа миллат вакиллари бошқа туманларга нисбатан кўпроқдир. Юқоридаги туманлар аҳолисининг 11,2-11,3 фоизи бошқа миллат вакилларига тўғри келади.

Туғилиш жараёнида рўй бераётган ушбу ўзгаришлар таҳлил қилинганда, қишлоқ жойларида ҳам шаҳарлардагидек аёлларнинг фарзанд кўриш ёши бироз қисқарганини кузатиш мумкин. Масалан, бундан 10-20 йил аввал аёллар 40-45 ёшгача ва ундан кейин ҳам фарзанд кўришган бўлса, ҳозирги пайтда бу, асосан, 20-35 ёшдаги аёллар орасидагина кузатилмоқда. Ундан юқори ёшдаги, ҳатто, 40 ёшли аёллар орасида ҳам фарзанд кўриш кескин камайиб кетган.

Ўзбекистон демографик жараёнларини ифодаловчи кўрсаткичларда ҳудудий номутаносиблик бўлишига сабаб бўлаётган омиллардан яна бири туғиш ёшидаги аёлларнинг маълумотлилик даражаси, уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги бандлиги ва фаоллигидир.

Андижон вилояти аҳолисининг 51 фоизини (республикада — 50,3 фоиз) аёллар ташкил қилгани ҳолда, ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этаётган аёллар кўпчиликни ташкил этади. Туғилиш коэффициентининг юқорилиги билан ажралиб турадиган Шаҳрихон, Олтинкўл, Марҳамат туманларида эса аёлларнинг кўпчилиги, туман марказини ҳисобга олмаганда, қишлоқ аҳоли манзилгоҳларида фақат уй, томорқа, фермер хўжаликлари, оилавий пудратларда ишлаш ва бола тарбияси билан бандлар. Вилоятнинг барча туман марказларида, йирик-йирик қишлоқларда, шаҳар типидаги аҳоли манзилгоҳларида аёллар маориф, соғлиқни сақлаш, инфратузилма муассасалари, саноат тармоқларида бандлар. Тадқиқотлардан айнан шу соҳаларда ишлаётган олий ва ўрта махсус маъмумотга эга бўлган аёлларда туғиш кўрсаткичи умумий ўрта маълумотлиларга нисбатан анча кам эканлиги маълум бўлди. Бунинг сабаби оддий: ўқиган, маълумотли одамга нисбатан ўқимаган кишида фикрлаш, оилани режалаштириш, ижтимоий ҳаётда фаоллик паст даражада бўлади. Масалан, олий ўқув юртини битирган ўқитувчи, врач ёки бирон-бир соҳа эгаси, албатта, кўпроқ ишлашни ўз олдига мақсад қилиб, фарзанд кўришни режалаштириб, фарзандлар орасидаги муддатни ҳам 4-5 йилга мўлжаллайди.

Вилоятда 2008 йилда мавжуд 1,146,7 минг хотин-қизлардан 636 мингтаси ижтимоий ишлаб чиқаришнинг қуйидаги бўғинларида банд бўлганлар: халқ таълими соҳасида 38600 нафар, тиббиёт соҳасида 28436, кутубхоналарда 650, турли хизматларда 66022 киши ва ҳ.к. Шу билан бирга, 254270 нафар аёллар қишлоқ хўжалигида ҳамда савдо-сотиқ ишларида банд.

Андижон вилояти аҳолисининг туғилиш кўрсаткичига никоҳ ва оила мустаҳкамлиги, аҳоли жинсий таркибидаги фарқнинг унча катта эмаслиги жиддий таъсир қилади. Кузатилгаётган 2000-2008 йилларда вилоятда оилаларнинг мусаҳкамлиги қай даражада бўлганига эътибор берилса, шундай манзарани кўриш мумкин: қишлоқларга нисбатан шаҳарларда ажралишлар сони муттасил равишда ортиб борган, ажрашаётган

оилаларнинг аксарияти бир йилдан беш йилгача оила қурган 20-35 ёшлардаги кишиларга тўғри келади. Вилоятда бир йилда 40 мингта никоҳ қайд қилиниб, 1328 та оилада ажралиш ҳолати рўй берган; ажралишларнинг 37,5 фоизи қишлоқ жойларга, 63,5 фоизи шаҳарларга тўғри келади (2008 й). Демак, шаҳарларда қишлоқларга қараганда оила унча мустаҳкам эмас.

Вилоятда қизларнинг нисбатан эрта турмуш қуриши ҳамда турмуш қураётган ёшларнинг аксариятига никоҳни бузишга йўл қўйилмаётганлиги ҳам туғилиш даражасининг йиллар давомида юқори бўлишига олиб келган сабаблардан бири бўлмоқда.

Туғилишга ва ижтимоий муҳофазага таъсир кўрсатадиган омиллардан яна бири аҳолининг оилавий таркибидир. Маълумки, оила жамиятнинг энг муҳим бир бўлаги бўлиб, у аҳоли сонининг табиий қайта тикланишида катта аҳамятга эгадир. 1989 йил маълумотига кўра Андижон вилоятида 225566 оила мавжуд бўлган бўлса, ҳозирда улар 358616 тага етган ва 1,2 баробар кўпайган. Бунинг асосий сабаби республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг ички муаммоларнинг ҳал қилиниши, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларига аҳамятнинг кучайиши, қишлоқларда томорқа учун ерларнинг берилиши бўлди. Натижада минглаб оилалардан алоҳида-алоҳида янги оилалар бўлиниб чиқдилар.

Вилоятда оилалар сони кўп бўлиши билан бирга, уларнинг жойланиши ҳудудлар бўйича фарқланади. Масалан, Шаҳрихон, Асака, Балиқчи, Жалақудуқ, Избоскан туманларида оилалар сони 22633 тадан 34183 тагача етгани ҳолда, Улуғнор, Бўз туманларида бу кўрсаткич кўпи билан 7-8 мингтани ташкил қилди.

Адабиётлар:

1.Атамирзаева О.Б., Қаюмов А. Оилани ривожлантириш нима? - Т., 1990.- Б.-129-168.

2.Ашакбарова Н.С., Голдфорб Б.Я., Эргашев А. Размещение населения ферганской долины (демографический аспект). – Т.: Фан, 1987.- С.98

3.Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси.-Т.: Университет, 1997.-157 б.

4.Бўриева М.Р. Оилада нечта фарзанд бўлмоғи маъқул. –Т.: Адолат.1995.- 43 б.

Андижон Давлат университети,
2009 йил 2 мартда қабул қилинган.